



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИННИГ
2022 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРГАН АСОСИЙ
ФАОЛИЯТЛАРИ**

Тошкент 2022

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини мониторинг қилиш ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши фаолияти	4
Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар	5
Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият ..	7
Атроф-муҳит ифлосланишини мувоғиқлаштириш ва мониторинг қилиши фаолияти	9
Биохилмажилликни асраш ва муҳофаза этиладиган табиий худудлар ҳамда соҳани рақамлаштириш фаолияти	11
Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва санитар тозалаш фаолияти	14
Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар	17
Давлат экологик экспертизаси фаолияти	21
Давлат экологик назорати	24
Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бошқариш фаолияти	28
Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқотлар институти фаолияти	31
Аҳолининг экологик маданиятини ошириш борасида амалга oshiрилган ишлар (ОАВлари билан ҳамкорлик)	33
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини бошқариш борасидаги фаолият	35
Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий етиш борасидаги фаолият	36
Қўмита тизимида моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар	40

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори билан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) янгиланган асосий вазифалари белгиланди.

Давлат экология қўмитаси:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик назоратига услубий ёрдам қўрсатиш ва кўмаклашиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш;

атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва обьектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, улар турларининг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлигини ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш, қайта тикланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб бориш, майший чиқиндиларни йиғиши, ташиши, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикчиликни фаол жалб қилган ҳолда тизимни ташкил этиш;

атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишини «Коррупциясиз соҳа»га айлантириш, экологик тарбия, тарғибот ва таълим тизимини ташкил этиш, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари фаолиятига кўмаклашади.

І. Қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини мониторинг қилиш ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши фаолияти.

2022 йилда **3 та** қонун, **1 та** Президент Фармони, **2 та** Президент қарори ва **8 та** Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Маълумот учун:

Ўзбекистон Республикаси Қонуни:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни (30.12.2022 йил ЎРҚ-812-сон).

2. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинди (2022 йил 20 сентябрь).

3. “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинди (2022 йил 1 ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони:

1. “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиши тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 август, ПФ-189-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

1. “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 16 февраль, ПҚ-131-сон.

2. “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиши ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 август, ПҚ-349-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:

1. “Давлат экологик назорати ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг замонавий механизmlарини жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 апрель, 165-сон. “Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган хуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш, қўриб чиқиши ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳақида Низом тасдиқланди.

2. “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Республикада қўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дараҳтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони ҳамда “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори)” 2022 йил 29 апрель. 230-сон

3. “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2022 йил 7 марта, 99-сон.

4. “Зарафшон” миллий табиат боғини Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимига ўтказиши тўғрисида” 2022 йил 10 август, 442-сон.

5. “Табиат ҳимоячиси” қўкрак нишонини таъсис этиши тўғрисида” 2022 йил 10 август, 443-сон.

6. “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 22 август, 464-сон.

7. “Санитар тозалаш ва чиқиндилаар билан боғлиқ ишларни ташкил этиши ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 4 ноябрь, 646-сон.

8. “Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объектларга етказилган зарарни ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 23 ноябрь, 666-сон.

II. Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар.

“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш”, “Тупроқ таҳлили”, “Сув таҳлили” ҳамда “Саноат чиқинди газлари таҳлили” йўналишлари бўйича **72 соатли**, Экологик назоратнинг **жамоатчи инспекторлари** учун **36 соатли** ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилди.

Бундан ташқари соҳадаги “Давлат қўриқхоналари ва муҳофаза этиладиган табиий худудлар”, Атроф-муҳитга таъсири бўйича I-II тоифага мансуб корхоналар учун “Саноат корхоналарининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар” йўналишлари, “Инглиз тили” бўйича **72 соатли**, ҳамда “Юридик бўлим ходимлари”, “Кадрлар бўлими ходимлари”, “Молия ва бухгалтерия бюджет ҳамда хўжалик”, “Атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган лаборатория ходимлари (мобиль)” ўқиш йўналишлари бўйича **36 соатли** ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Давлат экология қўмитаси билан ҳамкорликда “Давлат қўриқхоналари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ҳамда ўрмон хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар” учун **72 соатли** ўқув режа ва дастур ишлаб чиқилди.

Роттердам конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилишига тайёргарлик қўриш бўйича 2022-2025 йиллар учун Йўл харитасининг 1.1.1. бандига асосан “Соҳага оид ваколатли органлар мутахассислари учун кимёвий моддаларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини баҳолаш ва кимёвий хавфсизлик масалалари бўйича” мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **72 соатли** ўқув режа ва дастур ишлаб чиқилди. Мазкур “Йўл харита” ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил декабрь ойида **30 нафар** соҳа мутахассисларининг малакаси оширилди.

Қўмита масъул ходимлари ҳамда ОТМлар профессор-ўқитувчилари иштирокида туман (шаҳар) инспекторлари учун ҳар ҳафтада соҳа йўналишлари бўйича масофавий онлайн тарзда ўқиши ташкил этилиб, **520 нафар** давлат инспекторларининг ўқиши ташкил этилди.

Шунингдек, ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари Қўмита марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари учун маънавият соатларини олиб борилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш, аҳолининг экологик маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш стратегияси ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вазирлик-идоралар билан келишилди ҳамда Адлия вазирлигидан ҳуқуқий хулоса олинди. ID54651 орқали Умумхалқ муҳокамасига қўйилди. project.gov.uz ягона электрон тизим орқали (ID54064) Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган Давлат таълим талаблари” Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифани назорат қилиш давлат инспекциясидан экспертизада ўтказилди ҳамда Давлат экология қўмитаси раиси томонидан келишилиб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда 2022 йил 17 августда тасдиқланди.

Ўзбекистон Экология партияси билан Малака ошириш маркази ўртасида 2022 йил 10 майда ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

171 нафар лаборатория ходимлари, **26 нафар** ҳудудий Кадрлар бўлими мутахассислар, **403 нафар** туман (шаҳар) инспекторлари ҳамда **100 нафар** Давлат қўриқхоналари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари **700 нафар** тингловчиларнинг малакаси оширилди.

Бундан ташқари ҳудудларда ходимлар малакасини ошириш режа-жадваллари тасдиқланиб, ОТМлари профессор-ўқитувчилари ҳамда соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда лаборатория ходимлари, туман (шаҳар) давлат инспекторлари ҳамда Давлат қўриқхоналари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари малакасини ошириш курслари ташкил этилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича I-II тоифага мансуб корхоналарнинг эколог ходимларини онлайн (оффлайн) тартибда **300 нафар** тингловчиларнинг малакаси оширилди.

III. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият.

Амалдаги ишлаб чиқариш қувватларида 95 фоиздан юқори бўлган чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2022-2023 йилларда республикадаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чоратадбирлар Дастури» доирасида жорий йил бошидан республика бўйича жами **92 та** корхона ва ташкилотларда **358 та** чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилиниб, атмосферага **2,4 минг тонна**дан ортиқ ташламалар ташланишининг олди олинди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларида 99,5 фоиздан юқори бўлган чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш бўйича жорий йил бошидан атроф-муҳитга ҳавфилик даражаси юқори ва ўрта бўлган

қуидаги **43 та** корхона ва ташкилотлар (шу жумладан, цехлар) учун ишлаб чиқилган “Экологик оқибатлар түғрисида баёнот” (ЗЭП) лойиха ҳужжатлари асосида Давлат экология қўмитаси томонидан давлат экологик экспертизасининг хulosса талаблари асосида **43 та** корхона ва ташкилотларда **307 та** чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди ҳамда мавжудлари модернизация қилинди.

Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини ва Ўзбекистон Республикасидан экспортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисидаги қарорга асосан озонни бузувчи моддалар мавжуд ёки таркибида улар бўлган маҳсулотларни мамлакатимизга олиб кириш бўйича **126 та** ариза ўрнатилган тартибда қўриб чиқилиб, **5 тасига** рухсатнома, **108 тасига** хulosалар ва **13 тасига** рад этиш хатлари расмийлаштирилди.

Республика бўйича “Тоза ҳаво” ойлигининг 2 босқичи ўтказилиб, тадбир давомида **295,0 минг та** автотранспорт воситалари кўриқдан ўтказилди ва режага нисбатан **100,8 фоизни** ташкил этди.

IV. Атроф-муҳит ифлосланишини мувофиқлаштириш ва мониторинг фаолияти.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тизимидағи Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг Атроф-муҳит ифлосланишини мониторинги бўлимлари (таҳлилий лабораториялар) томонидан **атмосфера ҳавоси** (ҳар ойда бир маротаба), **оқава, ер усти сувлари** (чорақда бир марта) ва **тупроқ ифлосланиши** (ярим йилда бир маротаба) **манбалари мониторинги** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манафаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилини Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари ва тупроқ

ифлосланиши манбаларида давлат экологик мониторинги ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати (2022 йилда янгиланган) ва уларнинг мониторингини амалга ошириш РЕЖАСИ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга қўмитанинг хати билан хабардор этиш тартибида киритилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг “Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда давлат экологик мониторингни ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 17 январдаги 14-сон буйруғи билан тасдиқланиб ижрога қаратилди.

Мазкур режага мувофиқ давлат экологик мониторинги ўтказиладиган объектлар жами сони **685 тадан 775 та** (+90 тага ёки 113,1%)га (шуңдан: атмосфера ҳавоси объектлари **351** (301) **та** (+50 тага ёки 116,6%), тупроқни ифлослантирувчи объектлар **152** (150) **та** (+2 тага ёки 101,3%), ва оқова сув объектлари **272** (234) **та** (+38 тага ёки 116,2%)га етказилди.

Атроф-муҳит ифлосланишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш йўналишида мониториг дастуридаги **764 та корхоналарда **6522 та** ифлослантириш манбаларида мониторинг ишлари олиб борилди.**

Мазкур дастурга мувофиқ олинган мониторинг натижалари Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиб борилмоқда.

Қўмита тизимидағи таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида Давлат бюджети ва бошқа молиялаштириш манбалардан **20,6 млрд сўм** маблағлари ҳисобидан **27 турдаги 238 та** лаборатория ўлчов-назорат асбоб ускуналари, **33 та** лаборатория мебеллар ва идишлар тўплами ҳамда 160 минг дона лаборатория идишлари харид қилинди.

“Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ томонидан Мис эритиш заводига **1 дона** “Siemens” (Германия) **автоматик станция** ўрнатилди. Ҳозирда Ягона геоахборот базасига интеграция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Атмосфера ҳавосига таъсир хавфи юқори бўлган **44 та** саноат корхоналарининг ифлослантириш манбаларида намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича ўз маблағлари ҳисобига жами **69 та** автомат станциялари ҳамда уларга туташ худудларда жами **27 та** стационар кузатиш пунктлари ўрнатилди.

“Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси талабларини 2022-2024 йилларда бажариш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси” (кейинги ўринларда - Миллий ҳаракатлар режа) 2021 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланди.

Тасдиқланган Миллий ҳаракатлар режаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Базель, Роттердам ва Стокгольм конвенциялари котибиятига юборилди ва котибият томонидан конвенциянинг расмий сайтида жойлаштирилди.

Халқаро савдода алоҳида хавфли кимёвий моддалар ва пестицидларга нисбатан дастлабки асосланган розилик процедураси тўғрисидаги Роттердам конвенциясига (Роттердам шаҳри, Нидерландия, 1998 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилишига тайёргарлик кўриш бўйича 2022 – 2025 йиллар учун “йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилиб Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

V. Биохилмайлликни асраш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда соҳани рақамлаштириш фаолияти.

Жорий йилда ЯИДПХ (давлат хизматлар) орқали келиб тушган жами 6 минг 938 та мурожаатларда давлат ўрмон фондига кирмайдиган 403 минг 095 туп дараҳт ва буталарни кесиш, қўчириб ўтказиш ҳамда буташ сўралган. Шундан 4 минг 277 та мурожаатда 339 минг 353 туп дараҳтларни кесишга рад жавоби берилиб, **345 минг 436 туп дараҳт сақланиб қолинди.**

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасига оид 939 та топшириқ, хат ва мурожаатлар кўриб чиқилиб ижроси таъминланди.

2022 йил 12 ой давомида давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерлардан ташқари, Қизил китобга киритилмаган ўсимлик турларини йиғишиш (тайёрлаш) табиий муҳитдан ажратиб олишга жами **70 та** рухсатнома берилди.

Ёввойи ўсимликларни ва уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқиш учун жами 323 та рухсатнома берилган.

54 та хўжалик юритувчи субъект ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган (Қизилмия, коврак, ковул ва бошқа

турдаги доривор, озуқабоп ва техник ўсимликлари) мавжуд жами **11 448 гектар** плантациялар рўйхатга олинди.

Шундан қизилмия 499,6 гектар, Тиканакли ковул 2262 гектар, сасиқ коврак 500 гектар ва тожик коврак 8187 гектар.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил баҳор мавсумида кўчат экиш ишлари якунланиб, экилган кўчатларни суғориш, парваришлиш ва касалланишига қарши курашиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2022 йил баҳор мавсумида режадаги 125 млн. 30 минг дона ўрнига, **126,4 млн** (режага нисбатан 101,1 фоиз) дона **кўчатлар экилди**.

Жумладан; Тошкент шаҳри (802 минг дона) 128 фоизга, Навоий вилояти (9 млн. 294 минг дона) 106 фоизга, Фарғона вилояти (10 млн. 057 минг дона) 105 фоизга, Бухоро вилояти (10 млн. 056 минг дона) 104 фоизга, Самарқанд вилояти(10 млн. 292 минг дона) 100 фоизга, Жizzах вилояти (9 млн. 970 минг дона) 100 фоизга, Наманган вилояти (9 млн. 693 минг дона) 100 фоизга, Қорақалпоғистон Республикаси (8 млн. 797 минг дона) 100 фоизга, Сурхондарё вилояти (10 млн. 057 минг дона) 102 фоизга, Андижон вилояти (9 млн. 712 минг дона) 100 фоизга, Қашқадарё вилояти (10 млн. 312 минг дона) 100 фоизга, Хоразм вилояти (9 млн. 087 минг дона) 100 фоизга, Сирдарё вилояти (8 млн. 678 минг дона) 96 фоизга, Тошкент вилояти (9 млн.607 минг дона) 94 фоизга бажарди.

Шундан, маҳаллалар ва бошқа обьектлар худудларида 25,8 млн. дона, фермер хўжаликлари экин ер майдонлари четларига ҳамда иҳота дарахтлари 44,8 млн. дона, ижтимоий соҳа обьектлари худудларида 6,2 млн. дона, автомобиль йўллари ёқасига 4,6 млн. дона, Ободонлаштириш обьектларига 21,8 млн. дона, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш обьектларига 23,2 млн. дона кўчатлар экилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида **жорий йил 20 октябрдан 1 декабргача** эълон қилинган “Долзарб 40 кунлик” кузги экиш мавсумида юқори савияда ташкил этиш юзасидан берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш мақсадида жойларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кўчат экиш ишларини самарали амалга ошириш мақсадида худудларда штаблар фаолияти йўлга қўйилди, шунингдек, эксперт гуруҳлари, Давлат экология қўмитасининг худудларга бириктирилган ходимлари, прокуратура органлари ва Ҳисоб палатаси масъуллари томонидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилди.

Эксперт гуруҳи томонидан кўчатларни экиш ва парваришлиш бўйича илмий-амалий қўлланма тайёрланиб, барча худудларга етказилди. Экиш ишларини ташкил этиш бўйича тажрибали агроном, олим ва боғбонлар иштирокида 700 дан ортиқ амалий семинарлар ўтказилди.

Республикада кўчатларни етказиб бериш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш учун худудларда жами 450 га яқин кўчат ярмаркалари ва савдо нуқталари ташкил этилди.

Кузги кўчат экиш мавсумида республика бўйича 75 млн туп кўчат ва буталар экилиши белгиланган бўлиб, **76,4 млн туп кўчатлар экилди** ҳамда “Яшил макон” электрон платформасига киритилди.

Муҳофаза этиладиган табиий худудлар майдони 2,079 млн.гектардан 6,321 млн.гектарга, республика худудининг қамрови эса **4,6 фоиздан 14,08 фоизга** етказилди.

Ушбу худудларда **102 та тур** Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар учрайди.

Таҳлил натижаларига қўра бугунги кунда қўмита тизимидағи муҳофаза этиладиган табиий худудларда **2018 йилга нисбатан** морхўрлар бош сони **154**, бухоро тоғ қўйлари **108**, бухоро буғуси **175**, жайрон **170**, болтаютар **312**, тяншон қўнғир айиғи **108 фоизга ўсган**.

Шу билан бирга, йўқолиб кетиш ҳавфи остида турган ёввойи ҳайвонларни табиатдаги сони камайиб бораётганлиги туфайли, Қизил китобга киртилган ёввойи ҳайвонларни уларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, табиий яшаш ареалларига қўйиб юборилмоқда. Жумладан, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидағи питомникларда сунъий кўпайтирилаётган Қизил китобга киртилган йўрға тувалоқ қушларини йилида ўртacha 4000 бош сони табиатга қўйиб юборилмоқда. 2022 йил давомида қўйиб юборилган йўрға тувалоқлар сони **6 минг бошдан ошди**.

Ёввойи ҳайвонларни йўқолиб кетиш хавфии олиш, уларни кўпайтириш бўйича мамлакатимиз ҳудудларида питомниклар ташкил этилмоқда. Жумладан жорий йилда ёввойи ҳайвонлар сақланадиган ва урчитиладиган питомникларни, шунингдек зоология коллекцияларини хисобга қўйиш тўғрисидаги **26 та** гувоҳнома расмийлаштирилди. Мазкур питомникларда Қизил китобга киритилган жайрон, чўл тошбақаси шунингдек, қирғовул ва экзотик қушларни сақлаш ва кўпайтирилиши режалаштирилган.

Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) Конвенциясига киритилган ҳайвонларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб чиқишига доир экспорт квотаси тасдиқланди.

Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) Конвенциясига оид **260 та** рухсатнома расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ҳайвон турларини табиий муҳитдан ажратиб олишга доир **568 та** рухсатнома расмийлаштирилди.

VI. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва санитар тозалаш фаолияти.

Республика ҳудудларида “Тоза ҳудуд” ДУК, “Махсустранс” ДУК, “Мароқанд Обод” ДУК ва **114 та** хусусий ҳамда **52 та** давлат-хусусий шериклик корхоналари томонидан санитар тозалаш хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Санитар тозалаш корхоналари тасарруфида **4 162 та** махсус техника воситалари (1-жадвал), **4 142 та** чиқинди йиғиш майдончалари (шундан **2 455 таси** уйчали) ва **18 899 та** чиқинди контейнерлари ҳамда **195 та** қаттиқ майший чиқинди полигонлари мавжуд;

Соҳага оид **3 та** норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари - **2 та** (Фармон - **1 та**, Қарор - **1 та**), Вазирлар Маҳкамаси қарорлари - **1 та**).

Жумладан, 2022 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 августдаги ПФ-189-сон Фармони ҳамда “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли

пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 августдаги ПҚ-349-сон қарори қабул қилинди;

Бугунги қунга қадар **239 та** қаттиқ майший чиқиндиларни кўмиш полигонларининг **22 таси** рекультивация қилиниб, **44 та** полигон фаолияти тўхтатилди ва ҳокимят ер захирасига топширилди.

Республикада хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхоналар тассаруфида жами **4 142 та** чиқинди йиғиш майдончалари мавжуд бўлиб, шулардан **2 455 та** чиқинди йиғиш майдончаларига кадастр ҳужжатлари ишлаб чиқиш талаб этилади. Бугунги кунда **758 та** чиқинди йиғиш майдончаларининг кадастр ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, 2022 йилда ўрнатилиши белгиланган **9 526 та** ўрнатилиши лозим бўлган контейнерлардан **8 686 та** ўрнатилган, жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлигида – **1 532 та**, Халқ таълими вазирлигида – **3 987 та**, Мактабгача таълим вазирлигида – **3 167 та** ўрнатилди.

837 та биологик чиқиндиларни кўмиш жойлари ҳамда 233 та қаттиқ майший чиқинди полигонлари географик ахборот тизими кадастрлар базасига киритилди;

Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари ҳисобига **300 та** чиқинди ташиш маҳсус техникиси, **6000 та** чиқинди контейнерларини ва **13 та** эгарли шатакчи автотранспорт воситаларини харид қилиш ҳамда **3 та** консультант ёллаш пакети юзасидан шартномалар имзоланди;

Тошкент шаҳрида 2022 йил 25 март куни **Ўзбекистон Республикаси ҳукумати** ҳамда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки** ўртасида “Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида майший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” лойиҳаси юзасидан **120,0 млн. АҚШ доллари** миқдорида **кредит шартномаси имзоланди**.

Корея Республикасининг “KEITI” интситути иштирокида “Жиззах вилоятида мавжуд полигонларни ёпиш янги замонавий полигонлар қуриш ва моддий техник базасини мустахкамлаш” лойиҳаси доирасида жами **98,4 млн. АҚШ доллар** (грант **8,4 млн. АҚШ доллар**, кредит **90,0 млн. АҚШ доллар**) миқдоридаги

концепция ишлаб чиқилиб, Корея хукуматига ҳукумати томонидан маъқулланди;

Тошкент вилоятида Италия компанияларининг **200,0 млн. евро** миқдоридаги инвестицияси ҳисобига йилига **200,0 минг тонна**дан ортиқ чиқиндиларни ёқиш ҳисобига **79 минг МВт соат** электр энергияси ишлаб чиқариш инвестицион лойиҳаси концепциялари ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди (14.09.2022 й, 01-04/1-302-сон);

Тошкент шаҳрида, “Махсустранс” ДУК негизида **328,9 млн. евро** миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестиция маблағлари ҳисобига майший чиқиндиларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси юзасидан таклифлар ва тегишли қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди (18.08.2022 й, 04-04/1-1603-сон хат илова қилинади);

2022 йил январь-декабрь ойлари давомида санитар тозалаш корхоналарининг тушум режаси 677,2 млрд сўм бўлиб, амалда 470,4 млрд сўм ёки 69,4 фоизга бажарилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича 2020 йилда **6 та**, 2021 йилда **13 та** ҳамда 2022 йилда **33 та**, жами **52 та** давлат-хусусий шериклик битимлари имзоланди;

Давлат томонидан тадбиркорларга битимлар асосида **1 359 та** маҳсус техника, **63 та** полигон, **645 та** чиқинди тўплаш шахобчаси, **55 та** автотураргоҳ, **4 578 та** контейнер бириктириб берилди;

Шунингдек, имзоланган битимлар асосида хусусий шериклар томонидан **104 млрд сўм** инвестиция киритилиб, **154 та** маҳсус техника, **1936 та** чиқинди контейнери, **8 та** чиқиндиларни саралаш ва **5 та** чиқиндиларни қайта ишлаш ускуналари, **3 та** чиқиндиларни қайта юклаш станцияси, **98 та** чиқинди тўплаш шахобчаси қурилди ҳамда жами **2 314 та** янги иш ўрни яритилди;

санитар тозалаш корхоналарида жами мавжуд **2919 та** техниканинг **2 310 та** сига GPS онлайн кузатиш ускуналари (11-жадвал) ҳамда ноқонуний чиқинди тўпланиш ҳолатлари аниқланган жойларда **35 та** кузатув камералари ўрнатилиб, Кўмита ва вилоятларда ташкил этилган назорат марказлари томонидан назорат қилинмоқда;

Абонентлар ҳисобини юритишнинг биллинг тизими (**6 043 061 та** абонент ва **23 821 700 нафар** фуқаро), ҳамда Есорау онлайн тўлов тизими яратилиб, ишга туширилди,

Тошкент шаҳрида чиқиндилар учун мажбурий тўловларни ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими ҳамда электр энергияси учун ҳисоб-китобларни юритиш биллинг тизими ўзаро интеграция қилиш натижасида абонентлар **400 мингтага** ва тушум режаси **1,6 млрд** сўмга кўпайди.

VII. Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг 2-иловаси 293-бандига асосан республика бўйича **14 та** сув обьектлари Тентаксой, Андижонсой, Шахрихонсой (Андижон), Зоминсув, Нураксой, Хўжамушкентсой (Жиззах), Шеробод (Сурхондарё), Исфайрамсой, Бошолишсой (Фарғона), Угам, Оқсоқота, Дукентсой, Кизилсой ва Паркентсой (Тошкент вилояти) вилоят ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланди ва **сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи миңтақалари белгиланди**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонига асосан **77 та** корхонада локал тозалаш иншоотлари реконструкция қилинди ва қуриб битказилди.

Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган худудга айлантириш, кўкаламзорлаштириш даражасини 2022 йилда **15 фоизга** етказиш бўйича Салар” каналида **78 км**, “Қорасув” каналида **57,3 км**, “Катта Калкауз” каналида **52 км**, “Калкауз” каналида **111,5 км**, “Бузсув” каналида **333,5 км**, “Бўрижар” каналида **312 км** ва “Пул-эмас” каналида **281,8 км** қисмида тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди, каналларни реконструкция қилиш учун давлат **экологик экспертизаси** хulosалари берилиши таъминланди.

“Ўзсувтаъминот” АЖ нинг ҳудудий ташкилотларига қарашли **61 та** йирик коммунал оқова сув тозалаш иншоотлари танқидий ўрганиб чиқилиб, улардан **28 таси** технологик регламентни бузган ҳолда фаолият юритаётганлиги, **14 таси** умуман иш фаолияти олиб бормаётганлиги, **18 тасида** оқовалар тозаланмасдан тўғридан-тўғри очиқ сув ҳавзаларига ташланаётганлиги аниқланиб, Президент Администрациясига **таҳлилий материаллар киритилди**, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва бошқа мутасадди идораларга тегишли кўрсатмалар берилди ва компенсация тўловларга тортилди.

Коммунал оқова сув тозалаш иншоотлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган саноат корхоналарида оқоваларни тартибга олиш борасида экологик назорат тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги “Янгийўл” ва “Чирчик”, Тошкент шаҳридаги “Салар” ва “Бўзсув” оқова тозалаш иншоотларига боғланган **60 та** саноат корхоналари ўрганилди. Шундан **36 та** корхонанинг оқовалари меъёрдан ортиқча ифлосланиш аниқланиб, **28 та** текширилди, **9 та** корхона фаолияти **суд тартибида вақтинча тўхтатилди** ҳамда **10 та** корхонада локал тозалаш иншоотларини тартибга олиш бўйича **чора тадбирлар амалга оширилди**.

917 та автомобиль ювиш шохобчаларида ичимлик сувидан фойдаланишнинг қонунийлигини аниқлаш юзасидан **ўрганишлар ўtkазилди**. Ўрганиш натижалари бўйича **110 та** ичимлик суви тармоғига уланиб олган шохобчалар бўйича уларни амалдаги тартибга **мувофиқлаштириш ишлари амалга оширилмоқда**.

Жойларда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланишда бўлган **3886 та** ер ости қудуқлари ўрганилди. Республика бўйича **2299 та** (Қорақалпоғистон Республикаси 11 та, Бухоро 1226 та, Жиззах 237 та, Қашқадарё 44 та, Навоий 286 та, Наманганд 3 та, Сурхондарё 289 та, Сирдарё 97 та, Фарғонада 16 та, Тошкент вилоятида 90 та) ер ости қудуқлар тегишли хужжатларсиз фойдаланиб келинганилиги аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартағи 255-сон қарорига асосан ер усти табиий сув обьектлари сувларидан фойдаланиш учун маҳсус рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатилиб, **13 та** жисмоний ва **79 та** юридик

шахсларнинг **92 та** аризалари **кўриб чиқилди**. Шундан **42 таси** бўйича **рухсатномалар берилиши таъминланди**, **48 таси рад этилди**. “Давсувхўжаликназорат” Давлат инспекцияси томонидан киритилган **18 та** гидротехник иншоотларининг хавфсизлик декларациялари лойиҳалари кўриб чиқилиб, **тегишли ҳулосалар берилди**.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Ҳукуматлари ўртасида 2017 йил 22-23 марта имзоланган иқтисодий ҳамкорлик Стратегиясига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик қилиш ва Сирдарё дарёсини суви сифатини таъминлаш мақсадида ташкил этилган қўшма ишчи гуруҳининг **4 ва 5-сон йиғилиши ўтказилди**. 2023 йил иш режалари келишиб олинди.

“Халқаро тоза сув ва саломатлик” Женева протоколига (2000 йил) аъзо бўлиб кириш масаласи кўриб чиқилиб, чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб Вазирлар Маҳкамасига юборилди.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларидағи коллекторлардан кўллар тизимиға сувларнинг келиб қуилиши ва **сувларнинг сифатини назорат қилиш**, Сув хўжалиги тизимидағи каналлардан қўшимча сув ташлаш лойиҳаларининг бажарилиши, балиқ тутишни чеклаш, мораторий жорий қилиш ва **браконерликка қарши курашиш**, Жиззах ва Навоий вилоятлари хокимликлари томонидан чўлланишга мойил ҳудудларда **буталар экиш ва қўкаламзорлаштириш** борасида ишлар бажарилди. Сув тежовчи технологияларни ўрганиш борасида хизмат сафари уюштирилиб, **Исройл тажрибаси ўрганилди**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида чўлланиш, иқлим ўзгариши, қумли ва чангли бўронларни камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширганлик учун иқтисодий рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш, жисмоний ва юридик шахслар ўзлари фойдаланаётган (ижарага олган) ер участкаларида ушбу тадбирларни амалга оширганлиги учун уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар бериш юзасидан **таклифлар ишлаб чиқилди**.

“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграциялашган платформасини амалиётга жорий этиш юзасидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар деградацияси бўйича, чиқинди

полигонлари ва саноат корхоналари атрофидаги тупроқларнинг ифлосланиши бўйича аниқланган ҳолат ва уларни баратарф қилиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бериб борилиши йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сонли қарори ижроси доирасида “Давергеодезкадастр” томонидан юборилган жами **60 мингдан** ортиқ аризалар кўриб чиқилиб, тегишли **хulosалар берилиши таъминланди**, **2 мингдан** ортиқ ҳолатда **экологик талабга жавоб бермайдиган** (дараҳт, сув муҳофаза зоналари ва бошқа сабаблар туфайли) ҳужжатлар бўйича **рад этилган хulosалар берилди**.

Ер ости бойликлари соҳасида республикада жами **3 мингдан** ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар **назоратга олинган**. 2022 йилда **2080 га** ер майдонларни рекультивация қилиш режалаштирилиб, ҳозиргача **2300 гектар** ер майдонда **рекультивация ишлари бажарилиши таъминланди**. Геологик-қидирув ишлари ва қазилма бойликларини қазиш учун берилган рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаган **45 та** объектлар бўйича бузилган ерларнинг рекультивация қилиш масаласи мониторинг тартибида ўрганилди. Шунингдек, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш суралган Давлат геология қўмитасининг **38 та** мурожаат бўйича объект бўйича экологик экспертиза хulosаси шартлари бажарилиши ўрганилиб, давлат геология қўмитасига хulosалар киритилди.

Дарё ўзанларини тозалаш, лицензия асосида саноат миқёсда қум шағал қазиб олувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиб борилмоқда. Жорий йилда (Бош прокуратура, Олий мажлис Сенати сўровига биноан) **2 марта** Идоралараро ишчи гуруҳлар тузилган ҳолда экологик назорат тадбирлари ташкил этилди. Амал қилиш муддати ўтган, **шартнома шартлари бузилган** ва бошқа қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган **89 та** объектлар бўйича “Хавфсиз дарё” ДУК билан тузилган шартномалар бекор қилинди, **35 та** лицензияга эга субъектлар бўйича суд органларига ҳужжатлар тақдим этилиб, **15 тасида бекор қилинди**.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 июлдаги 05/2-283-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш, **норуда**

фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалиги объектларига таъсирини ўрганиш юзасидан 2022 йил 8 июлдаги СҚ-570-IV-сон қарори билан киритилган парламент сўровига жавобан **такрорий ўрганишлар ўтказилди. Амалга оширилган ишлар натижалари Олий мажлис сенатининг 16-ялпи йиғилишида кўриб чиқилди ва 2022 йил 18 ноябрдаги СҚ-648-IV-сон қарори билан тугатилган участкаларни қабул қилиб олиш механизмини такомиллаштириш, дарёларни тасарруф этувчи ягона органни белгилаш, ноқонуний қазиб олиш ҳолатларига нисбатан таъсир чораларини кучайтириш юзасидан, айрим дарёларга саноат миқёсда қум шағал қазиб олишга мораторий жорий қилиш, қазиш ишларини тоғолди ўлкаларга кўчириш бўйича ишлар бажарилмоқда.**

“Норуда материалларни ноқонуний қазиб олишда табиий объектларга етказилган зарарни хисоблаш тартиби тўғрисида Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 ноябрдаги 666-сон қарори қабул қилинди. Жойларда қарор мазмун моҳиятини тарғиб қилиш бўйича давра сухбатлари, семинарлар ўтказилди, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Дарё ўзанини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув ҳавзаларида, шунингдек бошқа жойларда лицензия асосида норуда материалларини қазиб олиш фаолияти юритувчи субъектлар устидан доимий назорат қилувчи “Қум-шағал назорати гуруҳи” ташкил этилди.

VIII. Давлат экологик экспертизаси фаолияти.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I - IV тоифаларга мансуб корхона ва ташкилотларни давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида **20 011 та** корхона ва ташкилотларга тегишли хулосалар тақдим қилинган бўлиб, **18 087 та** лойиҳага ижобий хулоса, **1 884 та** лойиҳалар қайта ишлаш учун юборилган ва **40 та** лойиҳа рад этилган.

Амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш бўйича **333 135 та** давлат рўйхатидан ўтган объектлар хатловдан ўтказилди.

Хатловга кўра, давлат экологик экспертизаси объектлари – **99 957 та**, фаолияти бошланмаган, ер ажратилмаган ва тоифасиз

объектлар – **132 653 та**, фаолияти тўхтатилган ёки банкрот бўлган объектлар – **96 754 та**, лойиҳачи ташкилотлар – **3 771 та** эканлиги аниқланди.

Илғор ҳалқаро ва ҳорижий тажрибалар чуқур таҳдил этилган ҳолда давлат экологик экспертизаси ўтказишинг самарали механизмини жорий этиш мақсадида тўғридан-тўғри амал қилувчи Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Конунининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, (project.gov.uz порталига ID 70080 рақами билан жойлаштирилган) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди, ҳамда regulation.gov.uz порталига жамоатчилик муҳокамасига киритилди.

Адлия вазирлигининг қонун лойиҳаси юзасидан ижобий хулосаси олиниб, Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик аудит тўғрисида” Конунининг 5-моддасига мувофиқ, экологик аудиторлар томонидан экологик аудит объектларида экологик аудит ўтказиши тартибга солувчи **“O'z DSt 3623:2022 “Экологик аудит. Ўтказиш тартиби”** Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти ишлаб чиқилди.

Мазкур давлат стандарти Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилди, **O'z DSt 3623:2022** рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилди, Давлат экология қўмитасининг қарори билан тасдиқланди.

“O'z DSt 3623:2022 Экологик аудит. Ўтказиш тартиби” Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти ҳуқуқий хулоса олиш ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритилди.

Иккита ташкилотнинг стандартлари **Ts 13.030.01-01:2022** “Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш

лимитини аниқлаш бўйича услугий қўрсатма” ва **Ts 13.030.01-02:2022** “Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари. Чиқиндилар пайдо бўлиш меъёрларини аниқлаш бўйича услугий тавсияномалар” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Оролбўйи минтақасини экологик жиҳатдан минтақавий ривожлантириш” (ECO-ARAL) лойиҳаси доирасида **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг** ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ва аҳоли пунктларининг бош режаларини **халқаро тажрибадан** келиб чиқиб, **пилот лойиҳа** кўринишида **стратегик экологик баҳолашдан** ўтказиш масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

Бугунги кунда pilot лойиҳа учун мақбул объект танлаш (*Toшкент вилояти Бўстонлиқ тумани*), Глобал яшил ўсиш институтини (GGGI) техник консультант сифатида, шунингдек, стратегик экологик баҳолаш бўйича ҳалқаро эксперт жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Қўмитанинг www.eco-service.uz веб-сайти орқали давлат экологик экспертизасидан ўтказишнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимини қўмитанинг компенсация тўлови бўйича Ecofund электрон дастури билан интеграция қилинди.

2022 йил 23 июнь куни Давлат экология қўмитаси ҳамда “UzAssystem” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси ўртасида **Ҳамкорлик келишуви тўғрисидаги ҳужжат имзоланди**.

“UzAssystem” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси МЧЖ ҚКнинг таклифига биноан, Давлат экологик экспертизаси маркази ходимларининг Туркия Республкаси Анқара шаҳрига **18-22 август** кунлари хизмат сафари ташкил этилиб, Туркия Атроф-муҳит ва шаҳарсозлик вазирлиги вакиллари билан икки томонлама самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига бағишланган учрашувида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш соҳасидаги техник регламент ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича **тажриба алмашишни йўлга қўйиш** бўйича келишувга эришилди.

Жорий йилнинг 23-июнь куни Женева шаҳрида Давлат экология қўмитаси делегатсия аъзоларининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

масалалари бўйича координатори Кристиан Мелис ҳамда Орхус конвенцияси котибияти вакиллари билан учрашуви ўтказилди.

Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий нуқтаи назаридан баҳолаш тўғрисидаги конвенцияси (Эспо конвенцияси)га қўшилишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича маълумотлар умумлаштирилиб, **амалга оширилиши лозим бўлган чоратадбирлар ва тегишли таклифлар** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашига тақдим этилди.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва давлат экологик экспертизасини ўтказиш соҳасида фаолият юритаётган эксперт ва мутахассислар учун **“Атроф-муҳитга таъсир бўйича”** услубий қўлланмаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давлат экологик экспертизасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал кабулхонаси орқали, Давлат экология қўмитасининг Ишонч телефон орқали ҳамда жисмоний шахслар томонидан - **98 та** мурожаатлар келиб тушган, шу билан бирга, вазирлик ва идоралар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами **1562 та** мурожаатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси белгиланган муддатларда таъминланган.

Шунингдек, Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали **76 та** Қонун, қарор, фармон ва фармойиш лойиҳалари белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, Қўмита раҳбариятга таклиф ва эътиrozлари бўйича хизмат хатлари киритилган.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларида тадбиркорларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилаётган экологик экспертиза соҳасига оид муаммолар, уларнинг таклиф ва истаклари ўрганиш юзасидан очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

IX. Давлат экологик назорати.

Жойларда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари ижроси юзасидан **77 мингдан ортиқ** профилактик тадбирлар ўтказилди.

Ўтказилган давлат экологик назорати давомида **45 304 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниqlаниб, хуқуқбузарларга жами

38,9 млрд.сўм маъмурий жарима ва табиатга етказилган заар юзасидан даъво белгиланди, шундан, **21,7 млн.сўм** ундириб олинди.

1409 та ҳолат бўйича **5,8 млрд.сўм** жарима ва табиатга етказилган заарларни ундириш ва қонуний чора кўриш юзасидан материаллар ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига киритилди.

12 та ҳолат бўйича **1,5 млрд. сўмлик** даъволар юзасидан қонунбузарлик содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича иш қўзғатилди.

Ҳукуқбузарлардан **300 дан ортиқ** ҳайвонот объектлари, **6442 кг** доривор, техник ва озуқабоп ўсимликлар, **2433 кг** балиқ маҳсулотлари, **550 дан ортиқ** инвентарлар олиб қўйилди.

Олиб қўйилган ҳайвонлар табиатга қайтарилиб, ўтин ва балиқ маҳсулотлари кам таъминланган оилалар, Мехрибонлик уйларига тақдим этилган.

446 та хўжалик юритувчи субъектларда давлат экологик назорати тартибида текширишлар ўтказилди.

Текширишлар натижасида **379 та** қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, **437,8 млн.сўм** жарима суммалари қўлланилган. Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун **50,2 млрд.сўм** қўшимча компенсация тўловлари ҳисобланди.

Экологик талабларига риоя этмаган **24 та** корхоналар фаолияти суд қарори билан камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатилди. Текширув натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан хўжалик юритувчи субъектларга **1797 та** мажбурий кўрсатма ва тавсиялар берилиб, профилактика ишлари олиб борилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган **27,3 млн** дона манзарали, мевали дарахтлар кўчатлари ва буталар парваришига доир **10 843 та** мажбурий кўрсатмалар берилди. Кўрсатма талабларини бажармаган, дарахт ва буталарни муҳофаза қилмаган шахсларга нисбатан **554 та** маъмурий иш юзасидан **817 млн.сўм** жарима белгиланди.

“Айдар-Арнасой” кўллар тизимиning “Арнасой” сув омбори ҳудудида балиқ овлашга бир йил муддатга мораторий эълон қилинганлиги муносабати билан балиқ овлаш қатъиян тақиқланди.

“Айдар-Арнасой” кўллар тизимида мунтазам равишда ноқонуний балиқ овлаш, ташиш ва сотиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, уларга туташ бўлган ҳудудларда жами **427 та** қонун бузилиш

ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан жами **445** млн.сўм миқдордаги жарима ва зарар белгиланди ҳамда **3 та** ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-76-сон қарорига асосан **Давлат экология қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ҳамкорликда** экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари ижроси сўзсиз таъминланишини назорат қилиш ва қўшма профилактик тадбирларни ўtkазиш мақсадида, **“Экологик патруль”** гурӯҳининг ишлаш тизими юзасидан **қўшма қарори** ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиши кучайтириш мақсадида жойларда жами **270 нафар** (*90 нафардан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия*) ходимлардан иборат **90 та** гурӯҳ ташкил этилиб, барча туман ва шаҳарлар тўлиқ қамраб олинди.

Тошкент шаҳрида **10 та**, Тошкент вилоятида **8 та**, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **6 та**дан.

Ҳар бир гурӯҳ таркибига **1 нафар**дан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлинмалари, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимлари жалб этилди.

Тадбирда, экология соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши **25 701 та тезкор-қидирув** ва **мақсадли рейдлар** натижасида жами **26 117 та** қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, **ҳуқуқбузарларга нисбатан** (*шундан, 116 нафари браконьер*) жами **9 млрд 471** млн сўм миқдордаги **жарима жазоси** белгиланди ҳамда **7 та** ҳолат бўйича **жиноий ишлар** қўзғатилди.

Ҳуқуқбузарлардан **4 та ўқотар қурол** ва **280 та тақиқланган ашёлар** ва **5 357 кг балиқ ва ҳайвон маҳсулотлари** ҳамда **1425 дона кесилган дараҳтлар** белгиланган тартибда далилий ашё сифатида аниқлаб олинди.

280 та тақиқланган балиқ овлаш анжомлари, **1 та** автотранспорт, **31 та** қайиқлар, **5357 кг** балиқ ва балиқ маҳсулотлари, **231 кг** ҳайвон гўштлари олинган.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ваколатларини кенгайтириш юзасидан қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди ҳамда 2022 йил 26 июль куни биринчи ўқишида қабул қилинди.

Лойиҳа билан ички ишлар органлари ва Миллий гвардияга экология соҳасидаги **8 турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни** кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ваколатини бериш назарда тутилган.

Фармоннинг 4-бандига асосан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат экологик назорати ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 апрелдаги 165-сон қарори тасдиқланди.

Давлат Экология қўмитаси ўз ташаббусига биноан “E-Ma’muriy ish” тизимидан алоҳида тарзда ўз платформасини яъни **“Эконазорат”** электрон ахборот тизимини жорий этди. Мазкур тизим орқали планшет қурилмалари ёрдамида жойларда ҳуқуқбузарлик ҳолатларини электрон расмийлаштириш имконияти мавжуд. Ушбу тизим орқали бугунги кунга қадар **250 та** мурожаат келиб тушган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 авгуустдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”нинг **59-банди** асосида, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан **“Эконазорат”** ахборот тизимини жорий этилиши натижасида, аҳоли томонидан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид ҳуқуқбузарлик ҳолатларга доир хабарлар ушбу тизимга келиб тушиши, уларнинг рағбатлантири ушбу мақсадлардаги **Telegram-бот (Google Play ва @econazorat_bot)** фаолияти ташкил этилиши нитижасида уларнинг ўзаро интеграцияси ҳамда маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

Мазкур “Йўл харитаси”нинг **60-банди** ижроси юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг **“Экофонд”** ахборот тизими доирасини функционал кенгайтириш

орқали қўмитанинг давлат инспекторлар томонидан расмийлаштириладиган маъмурий ишлар рақамлаштирилиб, **Ички ишлар вазирлигининг “E-ma’muriy ish” ахборот тизимига интеграция қилинди.**

Дараҳтларни қонунга хилоф равища кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказища содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жарима санкцияларини кучайтириш ҳамда дараҳтларни кесиш, шикастлантиришни назарда тутувчи лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун **войиҳа институтларининг жавобгарлигини белгилаш мақсадида**, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йил 20 сентябрь куни Олий Мажлис Конунчилик Палатасида қабул қилинди.

X. Ҳалқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бошқариш фаолияти.

Соҳада ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилотлар билан **30 дан ортиқ** учрашувлар ўтказилди. Ҳалқаро ташкилотлар билан ташкил этилган **5 та** семинар-тренингларда қўмита мутахассисалрининг иштироки таъминланди.

Жумладан, Жорий йил февраль ойида Глобал яшил ўсиш институтининг (GGGI) Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий равища очилди. Мазкур институт ҳамда Барқарор ривожланиш бўйича Давлатлараро комиссияси ўртасида Орол денгизи хавзаси учун муҳим ҳисобланган яшил ўсиш ва иқлим ўзгариши соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Давлат экология қўмитаси ҳамда Бутунжаҳон Ёввойи табиат жамғармаси (WWF) ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

“Ўзбекистонда глобал исиш салоҳияти паст ва озонни емириш салоҳияти бўлмаган энергия самарадор технологияларни жорий этиш орқали ГХФУни бутунлай истеъмолдан чиқариш” қўшма лойиҳаси доирасида меморандум имзоланди.

2022 йил 26-27 май кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш бўйича масъул вазирлик ва идоралар З-йиғилиши юқори даражада ташкил этилди.

БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси (ЕИК) билан ҳамкорликда “Шаҳарларда дараҳтлар” глобал ташаббуси доирасида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида Давлат экология қўмиатаси делегациясининг Тожикистон Республикаси ташрифи ташкил этилди. Келишув натижаларига кўра томонлар ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Экологик сиёsat бўйича қўмитаси бюросининг навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этилиб, унда Ўзбекистон вакили Экологик сиёsat бўйича қўмитасининг раиси ўринбосари лавозимига сайланди.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси Швециянинг Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган “Стокгольм+50: бутунжаҳон фаровонлиги учун соғлом сайёра – бу бизнинг масъулиятишимиз ва имкониятишимиз” халқаро учрашувида иштирок этди.

Давлат экология қўмитасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари билан учрашув ўтказилиб, унда JICA билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жумладан, чиқиндиларни бошқариш, экологик лаборатория марказини ташкил этиш, бу соҳаларда эксперtlарни жалб қилиш ҳамда «Барқарор ривожланиш мақсадида фан ва технологиялар соҳасида тадқиқот ҳамкорлиги» дастури (SATREPS) доирасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифлар асосида келгуси режалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши соҳасида ҳамкорлик бўйича англашув Меморандумини имзолаш бўйича ички тартиб тамойиллар бажарилиб, келишиш учун Покистон томонига дипломати каналлар орқали юборилди.

Исройл давлати Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги раҳбарияти ўртасида учрашув ўтказилиб, ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларацияси онлайн тарзда имзоланди.

19 июнда Шахрисабз шаҳрида БМТТД Европа ва МДҲ бўйича Минтақавий бюроси директори ўринбосари иштирокида Ҳисор давлат қўриқхонасининг интерактив ташриф марказининг очилиш маросими ўтказилди.

Марказий Осиёда экология, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиатни муҳофаза қилиш борасида минтақавий кўптомонлама ҳамкорлик йўналишида 6-10 ноябрь қунлари Самарқанд шаҳрида Тожикистон Ҳукумати ҳузуридаги Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси делегацияси вакилларининг Ўзбекистонга жавоб ташрифи доирасида “Ҳисор” давлат қўриқхонасининг ташриф маркази ва “Зарафшон” миллий табиат боғига ташриф уюштирилди.

Давлат экология қўмитаси томонидан мамлакатда экология ва атроф-муҳитни асраш, шу мақсадда грантлар, техник қўмак ва бошқа **ташқи беғараз қўмак маблағларини фаол жалб этиш** борасида изчил ишлар амалга оширилди.

Давлат экология қўмитасининг **73,3 млн.долларга** тенг **18 та** грант ва техник қўмак лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Шу жумладан, **5 та 24,2 млн.долларлик** тенг лойиҳани молиялаштириш бўйича келишув ва битимлар имзоланди. Жумладан:

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (**GIZ**) билан “Марказий Осиёда иқлим билан боғлиқ хавф-хатарларни бошқариш” лойиҳаси (**10 млн.евро**);

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (**ЕТТБ**) билан “Тошкент вилояти Янгиобод шаҳарчаси ва Наманган вилояти Чоркесар шаҳарчасидаги илгариги уран конлари ҳудудини экологик соғломлаштириш ва рекультивация қилиш” лойиҳаси (**7 млн.евро**);

БМТ ФАО билан “Оролбўйи ҳудудида таназзулга учраган экотизимларни тиклаш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш” лойиҳаси (**6 млн.долл.**);

БМТ ТД, БМТ ЕИК ва БМТнинг қочқинлар бўйича Олий комиссари бошқармаси билан “Ўзбекистон Республикаси “Яшил макон” ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида бош режа ва инновацион молиявий ечимларни ишлаб чиқиши” лойиҳаси (**0,9 млн.долл.**);

БМТ Атроф-муҳит дастури (**ЮНЕП**) билан ҳамкорликда “Кимёвий чиқиндиларни бошқариш бўйича Ўзбекистон

Республикасининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси (**0,3 млн.долл.**) бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2023 йилнинг декабрь ойига қадар **23,1 млн.долларга** тенг **4 та** грант лойиҳаси **молиялаштирили кутилмоқда**:

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (*МСОП*) билан ҳамкорликда “Марказий Осиёда зоонотик касалликларни олдини олиш” лойиҳаси (**11 млн.евро**);

Корея атроф-муҳит ва технологиялари институти (*KEITI*) билан ҳамкорликда “Жиззах шаҳри марказий полигонида тиббиёт чиқиндиларини ёқиш иншоотини қуриш ва чиқинди газини йиғиш иншоотини ўрнатиш” лойиҳаси (**7,8 млн.долл.**);

Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда “Стокгольм конвенцияси амалга ошириш бўйича миллий харакатлар режасини амалга ошириш” лойиҳаси (**4 млн.евро**);

БМТ ТД билан ҳамкорликда “Биохилмажиллик ҳадли дастури доирасида ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси (**0,3 млн.долл.**)ни **амалга оширилиши белгиланган**.

XI. Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқотлар институти фаолияти.

Институтда БМТнинг Атроф-муҳит дастури (UNEP)нинг Марказий Осиё бўйича субминтақавий идораси ва Россия Фанлар академияси География институтининг қўмагида GIS Lab маркази очилди.

O'z DSt 3619:2022 “Мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (сув, тупроқ, ўсимлик, хайвонлар дунёсини сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳамда ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, озиқ-овқат ва ветеринария дори воситалари ва озуқа қўшимчаларидан фойдаланиш шартлари)” Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти тасдиқланди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид норматив-хукуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш доирасида “Табиий норуда материалларини ноқонуний қазиб олишда табиий объектларга етказилган заарни ҳисоблаш тартиби” ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дaraohтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида дaraohт ва буталарни экиш, суғориш, дорилаш ва парваришилаш ишларини ташкил этиш, шунингдек, мавжуд дaraohтларни хатловдан ўтказиш вазифаларидан келиб чиқиб, Институт ва Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси аъзолари жалб қилиниб, хатлов олиб борилди. Хатловни ўтказишида 100 ёшдан ошган дaraohтлар аниқланганда уларни табиат ёдгорликлари сифатида муҳофазага олиш учун алоҳида реестр юритилиб, рақамли маълумотлар базаси яратилмоқда. Айни пайтга қадар Республика миқёсида **5 минг**дан, Тошкент шаҳрида эса **150** дан ортиқ **100 ёшдан ошган дaraohтлар борлиги маълум бўлди.**

Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг Овчилик-балиқчилик хўжаликлирида ва бошқа ов қилиш жойларининг худудларида мавжуд ҳайвонот олами кадастри ишлари олиб борилди.

Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида тарифларни оптималлаштириш ва ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича оператив харажатларни аниқлаш бўйича экспериментал-тадқиқот ва **хронометраж ишлар амалга оширилди**.

Ўзбекистон Республикасини экологик вазият бўйича районлаштириш методологияси ва мослашувчан **электрон дастурий таъминоти яратиш ишлар амалга оширилди**;

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилмаган ёввойи ҳайвон ва қушларнинг сонини ҳисобга олишни амалга оширилиб, олинган ҳисоб маълумотлари асосида **эксперт хулосалари тайёрланди**.

Оролнинг қуриган тубида жорий йилда амалга оширилган ўрмон – мелиоратив ишларининг умумий ҳолатини ўрганиш, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш жараёнларини баҳолаш бўйича 2022 йил 27 июндан 6 июлгача ва 2022 йил 17-23 октябрь кунлари **Мўйноқ туманида мониторинг тадбирларида иштирок этилди**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Геоахборот маълумотлар базасида ҳудудларда мавжуд саноат ва қурилиш чиқиндиларини кўмиш ва утилизация қилиш жойларига тегишли майдонли фазовий қатlam яратиш лойиҳаси амалга оширилди.

03.00.10 – Экология ва 11.00.05-Атроф-муҳит муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ихтисосликлари бўйича **PhD.18/30.11.2022.T.153.01** рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш иш фаолиятини бошлади.

2022 йил давомида институт ходимлари томонидан **61 та** турли нашрлар чоп этилди.

XII. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш борасида амалга оширилган ишлар (ОАВлари билан ҳамкорлик).

2022 йил давомида аҳоли орасида экологик тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида ОАВ да **28 398 та** чиқишлиар, шу жумладан ТВ 4745 та (шундан “Ўзбекистон 24” Твда 1013 та), радиода **2730 та**, сайт-интернет тармоғида 44 237 та ташкил этилди.

Кўмита ташаббусида ўtkazilgan bir qator nufuzli tadbirlar OAVlar (hususan, “Ўзбекистон 24” telekanalining “Axborot” dasturiida), ijtimoiy tarmoqlardan, Kўmitanining rasmiy veb-resurslariida keng ёritildi. Hususan:

18-19 март кунлари Давлат экология қўмитаси ташаббуси билан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкентда ўtkazilgan “Яшил макон” умумmilliy loyihasi: shaҳarlarda yashil ҳудудлар va daraohtlarni kўpaitiriш” mavzusidagi halqaro ilmий-amaliy seminarp keng ёritildi. Matbuot xizmati tomonidan halqaro ekspertlaridan maxsus olingan 6 ta intervyu Kўmitanining ijtimoiy tarmoqlardagi saqifasiga joylashтирилди.

26-27 май кунлари Тошкент шаҳрида ўtkazilgan Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)ga raisligi доирасида ШХТга аъзо давлатларнинг atrof-muҳit masalalari bўйича masъul vazirlik va idoralari raҳbarlарининг учинчи yifiliши va ushu yifiliш доирасида бўlib utgan ekspertlarning yifiliши;

19 июнь куни Шаҳрисабз шаҳрида БМТТД Европа ва МДҲ бўйича Минтақавий бюроси директорининг ўринбосари Марина Уолтер хоним иштирокида Давлат экология қўмитаси тасарруфидаги **Хисор давлат қўриқхонасининг интерактив ташриф марказининг очилиш маросими;**

20 август — **Тадбиркорлар** куни муносабати билан тадбиркорлар учун очиқ мулоқот ташкил этилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат экология қўмитаси раиси Нарзулло Обломурадов бошлигидаги Ўзбекистон делегациясининг 2-3 июнь қунлари Швецияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури (**UNEP**)нинг 50 йиллигига бағишилаб ўтказилган Стокголм+50 глобал атроф-муҳит форумидаги, шунингдек, 30 август-4 сентябрь қунлари **Швецияда ўтказилган турли форматдаги учрашувлари** Қўмитанинг расмий веб-ресурсларида, ЎЗА, “Дунё” ахборот агентлигига кенг ёритилди.

Қўмита томонидан республика миқёсида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни, 17 сентябрь — Бутунжаҳон тозалик куни, икки босқичдаги **“Тоза ҳаво”** ойлиги муносабати билан ўтказилган Ҳукумат даражасидаги тадбирлар ҳамда унинг якуний босқичи бўлган асосий маросимлар МТРК тизимидағи телерадиоканаллар, жумладан, “Ўзбекистон 24”, “Тошкент”, “Махалла” телерадиоканалларида, “Севимли”, “Зўр Тв”, “MY5” телеканалларида, ЎЗА сайтида, босма нашрларда, Қўмита расмий веб-ресурсларида кенг ёритилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси юзасидан **Қўмитада ўтказилган учрашув** Қўмита расмий веб-ресурсларида, ЎЗА сайтида, “Ўзбекистон 24” телеканалида ёритилди. Ҳудудий бошқармалар томонидан ўтказилган учрашувларнинг ҳам ҳудудий ОАВлар, бошқармаларнинг расмий веб-ресурсларида кенг ёритилиши таъминланди.

Қўмита фаолиятидаги муҳим жараёнлардан келиб чиқиб, Қўмита Матбуот хизмати тоомнидан ОАВ вакиллари ва блогерлар учун республика миқёсида 9 та (АОҚАда 7 та, Миллий матбуот марказида 2 та) матбуот анжумани, **3 та брифинг ташкил қилинди.**

Ҳисобот даврида ҳудудлар кесимида **176 та** матбуот анжумани, брифинг ва очиқ мулоқотлар ташкил қилинган.

Шунингдек, “Ўзбекистон 24” телеканали орқали Давлат экология қўмитаси Матбуот хизмати томонидан ҳудудий бошқармалар билан ҳамкорликда дараҳт экиш ва парваришлашга бағишилаб тайёрланган 600 га яқин видеоматериал эфирга узатилди, “Янги давр” (“Ёшлилар”), “Репортёр” (“Маҳалла”) информацион дастурларда ҳам **76 та лавҳа намойиш қилинди**.

Қўмитанинг eco.gov.uz сайти, facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифаси, шунингдек, Telegram ва YouTubедаги расмий саҳифалари қаторига instagram даги саҳифаси ҳам ташкил қилинди ва уларга санитар тозалаш ва чиқиндилар билан ишлаш, мораторий давом этаётган бир вақтда ноқонуний дараҳтларни кесиш, ҳайвонларни овлаш, дам олиш масканлари ҳамда сув муҳофаза зоналарида ноқонуний чиқиндихоналарнинг юзага келиши, ноқонуний қумшағал қазиб олиш каби йўналишларда олиб борилаётган фаолият тўғрисида **4 минг дан зиёд материал чоп этилди**.

Мамлакат ҳаётидаги муҳим, шунингдек, экологик саналар муносабати билан ташкил қилинган **360 га яқин тадбирлар доимий равища ёритилди**.

Ноқонуний ҳолда ҳайвонларни овлаш, дараҳтларни кесиш, чиқиндиларни ташлаш, тупроқ-шағал қазиб олиш каби йўналишларда ўтказилган **рейд жараёнларини** ОАВда, хусусан, нодавлат телеканалларда (“Севимли”, “Зўр ТВ”, “Менинг юртим”, “Ишонч” ва бошқалар) ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон МТРК “Дунё бўйлаб” телеканали “Экопатруль” билан 6 та кўрсатув, “Ўзбекистон 24” телеканали билан 450 дан зиёд лавҳа ва репортажлар ҳамкорликда тайёрланиб, эфирга узатилди.

Радио ва босма нашрлар билан ҳамкорлик қилишга ҳам катта эътибор берилди ва бунинг натижасида радиода 2730 та, босма нашрларда 175 та чиқишилар ташкил қилинди. “Ўзбекистон 24” радиоканалида аҳолининг мурожаатларига бағишилган “Халқ қабулхоналарида” номли маҳсус жонли радиоэшиттириш ташкил қилинди.

XIII. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини бошқариш борасидаги фаолият.

Давлат экология қўмитаси фаолиятини олиб бориш учун 2022 йилда республика бюджетидан **38,4 млрд сўм** (2021 йилга нисбатан 1,16 марта кам) ажратилган, бўлиб шундан:

жорий ҳаражатлар – **31,414,3 млн.сўм**, шундан:

ривожланиш дастурлари учун ҳаражатлар – **22,748,2 млн.сўм**;

таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш учун ҳаражатлар – **17714,7 млн.сўм**;

ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрларини юритиш учун ҳаражатлар – **5 033.5 млн.сўм**;

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар – **7 000,0 млн. сўм**.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 223-сонли қарорига асосан 2020-2023 йилларда Давлат экология қўмитаси тизимидағи таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш қўрсаткичлари белгиланган.

2022 йил учун таҳлилий лабораторияларни моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида асбоб-ускуналар ва жиҳозлар харид қилиш учун жами **17,7 млрд сўм** маблағ ажратилиб, шундан **16,9 млрд сўм** (95 фоиз) молиялаштирилди.

Бугунги кунда:

Қўмита тизимидағи таҳлилий лабораториялар учун **215 та** асбоб-ускунлар, **330 та** лаборатория мебеллари, **16 632 та** лаборатория идишлари билан таъминланди.

Бундан ташқари, Кадастр **объектларига тегишли маълумотлар базасини яратиш** учун Давлат экология қўмитасига **5 млрд 033 млн 5 минг сўм** миқдоридаги маблағлар ажратилиб, шундан **4604,7 млн сўм** (91 фоиз) молиялаштирилди.

Бугунги кунга қадар, Давлат экология қўмитаси томонидан юритиладиган кадастр объектлари маълумотлар базасни яратиш учун жами **4 058,2 млн. сўмлик** шартномалар имзоланган, Жумладан:

ўсимлик дунёси объектлари бўйича **1 255,0 млн. сўмлик**;

захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар қўмилган махсус объектлар бўйича **220,0 млн. сўмлик**;

саноат чиқиндиларини қўмиш жойларига тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш бўйича **2 024,9 млн. сўмлик**;

курилиш чиқиндилари полигонлари бўйича **495,8 млн. сўмлик**;

муҳофаза этиладиган табиий худудлар объектига **62,5 млн. сўмлик**;

Давлат харидлар портали орқали Тўғридан тўғри ҳамда Энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича ғолиб аниқлаш тартиби орқали шартномалар имзоланиб Ғазначилик томонидан рўйҳатдан ўtkазилиб, натижада жорий йилда ажратилган малағларга нисбатан **975,5 млн. сўм** маблағ иқтисод қилинган.

XIV. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги фаолият.

Табиий яйловлар ва пичанзорлар ўсимликлари бўйича Навоий вилоятининг Томди тумани (**3 650 599 гектар**), Наманган вилоятининг Косонсой тумани (**10033 гектар**), Қашқадарё вилоятининг Косон тумани (**65599 гектар**), Тошкент вилоятининг Пискент тумани (**33223 гектар**) ҳамда Сирдарё вилоятининг Боёвуд, Сайхунобод, Гулистон, Сардоба, Мирзаобод, Сирдарё ва Ховос туманларининг (**20221 гектар**), жами **3 779 675 гектар** майдонда геоботаник тадқиқотлар олиб борилиб, кадастр маълумотлар базасига умумлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги **11 турдаги** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Жиззах вилоятларидағи **46 турдаги** истиқболли хомашёбоп ўсимликларни ҳисобини ва давлат кадастрини шакллантириш бўйича ишлар олиб борилиб кадастр маълумотлар базасига умумлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Жиззах вилоятларидағи ўсимлик дунёси объектларининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳамда истиқболли хомашёбоп ўсимликлари бўйича Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри электрон платформаси **яратилиб <http://bcims.uznature.uz/> маълумотлар базасига киритилди.**

Зоология институти билан Айдар-Арнасой кўллар тизимидағи **4 туркум, 6 оила, 15 уруғга мансуб 15 балиқ турларини 61 та** ихтиологик нуқталарда назорат-кузатиш ҳамда ҳисобга олиш ва кадастрини ишлаб чиқиш бўйича амалий ишлар олиб борилиб, олинган маълумотлар **кадастр базасига киритилди**.

“Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонаси, “Сайгачий” мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, Зомин давлат қўриқхонаси, Сурхон давлат қўриқхонаси, “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи, **Хоразм миллий табиат боғи, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати** чегара зонасини белгилаш бўйича ишлар олиб борилиб, **хариталар тайёрланди** ҳамда **электрон маълумот базаси шакллантирилди**.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини мониторинг қилишда фойдаланиш учун **СМАРТ мониторинг дастурий иловаси** ишлаб чиқилиб, иш фаолиятига **тадбиқ этилди**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 2 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишининг 10-сон баёни 27-бандида аукционда сотувда турган **35 мингта** ер участкаларини хатловдан ўтказиб, улардаги кўп йиллик ва қимматбаҳо дарахтлар реестри шакллантириш вазифаси ижроси юзасидан вилоят ва туман (شاҳар)ларда аукцион сотуvida турган **35 мингта** эмас, балки амалда **17608 та ер** (1025,83 гектар) участкалар эканлиги аниқланди.

Ушбу ер участкаларида мавжуд **2839 дона** қимматбаҳо ва бошқа турдаги дарахтлар реестри шакллантирилди ва бу **дарахтлар муҳофазаси назоратга олинди**.

Биологик хилма-хилликни мониторинг қилишнинг бир қисми сифатида қор қоплонини ва унинг асосий озиқ-овқат объектларини мониторинг қилиш бўйича **методология** ишлаб чиқилиб, Фанлар академияси билан келишилиб, Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланди.

Мониторинг пунктларининг **20 та паспорти** шакллантирилди.

Судочье ва **Жалтирабас** кўлларини **Рамсар конвенцияси** рўйхатига киритиш бўйича халқаро шартномалар талаблари, иқтисодий ва ҳукуқий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда,

тайёрланган хужжатлар <https://rsis.ramsar.org> онлайн тизим орқали Конвенция Котибиятига юборилди.

Давлат экология қўмитаси тасарруфидаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари ҳудудидаги сув ҳавзаларида қушларнинг ҳисобини юритиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Республика ҳудудларида очиқ сув ҳавзаларида қишлиб қолувчи қушлар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот натижаларига қўра жами **111 турга** мансуб бўлган **597 272 бош** сув қушлари рўйхатга олинниб шундан **24 тури** Республикамиз қизил китобига киритилган. Амалга оширилган тадқиқотлар юзасидан ҳисботлар шакллантирилди.

Ҳисор давлат қўриқхонаси ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонасида жорий этилган СМАРТ патрул тизими орқали инспекторлар томонидан январ-сентябрь ойларига қадар **609 та** рейд тадбирлари ўтказилиб, маълумотлар таҳлил қилиб чиқилиб маълумотлар умумлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикасида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини электрон хариталаш бўйича <http://kadastr.uznature.uz/> электрон платформасига маълумотлар киритилиб тест режимида ишга туширилди.

Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри маълумотларини шакллантириш юзасидан Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг истиқболли хом-ашёбоп ўсимликларнинг давлат рўйхати ва кадастрини яратиш ҳамда ушбу вилоятларда жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг флора тур таркибининг инвентаризация қилиш бўйича Ботаника институти билан ҳамкорликда апрель-ноябрь ойларида **41 та** турдаги доривор ўсимликлар ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг **флора тур таркиби инвентаризация қилинди.**

Экилган кўчатларни ташкилотларга бириктириш мақсадида, жорий йил баҳор мавсумида экилган **126,4 млн. дона** кўчатларни бириктириш бўйича хатловдан ўтказилиб уларнинг реестри шакллантирилиб, “Яшил макон электрон” платформасида

“Дарахтлар реестри”дан күчирма бериш тизими яратилди. Шунингдек, ҳудудий бошқармалар томонидан дарахтларни бириктириш бўйича “Дарахтлар реестри”дан күчирмалар бериб бориш йўлга қўйилди.

“Яшил макон” электрон платформага республика ҳудудларининг кўкаламзорлаштирилганлик даражасини аниқлаш ва киритиш мақсадида, ҳудудларнинг яшиллик индексини аниқлашда геоахборот технологиялари бўйича мутахассислар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилиб, ҳудудларнинг яшиллик қопламини **NDVI** услуби орқали аниқланди.

Республика аэрогеодезия маркази билан ҳамкорликда Сирдарё вилояти ҳудудидаги умумий 470 квадрат километр майдонда дарахтларни рақамли харитасини тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида “Яшил макон” электрон платформаси **ишга туширилди** ва ҳудудий бошқармаларга тақдимот ўтказилди.

“Ягона дарча” божхона ахборот тизимига интеграция ишлари олиб борилди, натижада озон бузувчи моддалар йўналишида **интеграция ишлари якунланди**.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ билан ўзаро **идоралараро** **электрон маълумотлар алмашинуви** **веб-хизматини** бирлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Атроф-табиий муҳитнинг давлат мониторинги бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг идоравий электрон ахборот маълумотлар базасини Ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминлашни ташкил этиш учун **техник йўриқнома лойиҳаси** ишлаб чиқилиб, Гидрометеорология хизмати маркази Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базаси орқали узлуксиз маълумотлар алмашинувини ташкил этиш учун **Техник Йўриқнома** икки томонлама тасдиқланди.

XV. Қўмита тизимида моддий-техник базани мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар.

208 та туман (шаҳар) бўлимларининг **113 таси** техник кўмак маблағлари ҳисобидан **автотранспорт воситаси билан таъминланди.**

Маълумот учун: автотранспорт воситаси билан таъминланиши натижасида бир нафар инспекторга тўғри келадиган ўртacha **27,6 минг гектар** ер майдонда, **37 та** корхонада назорат олиб бориш ҳамда **25 мингдан ортиқ** фуқаролар билан профилактика тадбирларини ўtkазиши имконияти кенгаяди. Браконьерликка қарши курашиш самарадорлиги ортади.

Қўмита тизимидағи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар **31 та** йўлтанламас автомобили, **42 та** контейнер-уйлар, фотоқопқон, дурбин ва бошқа **моддий техник жиҳозлар билан таъминланди.**

Шунингдек, **10 та кордон** уйлар, **2 та маъмурий бино** қурилиб фойдаланишга топширилди, **3 та ташриф маркази** барпо этилди. Ташриф марказларини қуриш ишлари давом этмоқда.

1 450 нафар давлат экология инспекторидан **557 нафари** маҳсус **жиҳозлар (планшет)** билан таъминланди.

Маълумот учун: Маҳсус техника (планшет) билан таъминлаш натижасида инспекторлар томонидан ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлашга сарфланадиган 5-7 кунлик вақт тежалади, маъмурий иш ҳужжатларини расмийлаштириш соддалашиб, ҳозирги 4-5 соатдан 15-20 дақиқага қисқаради, давлат экологик назоратни амалга ошириш самарадорлиги ва қамрови ошади, инсон омили чекланади.

2022 йил учун таҳлилий лабораторияларни моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида **215 та** асбоб-ускунлар, **330 та** лаборатория мебеллари, **16 632 та** лаборатория идишлари **билан таъминланди.**